

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

МУМИНОВА НИГОРА ХАЙРИТДИНОВНА

**АКУШЕРЛИҚДА СЕПТИК ҲОЛАТЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИНГ
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАКТИКАСИ, ЭРТА ТАШҲИСИ ВА
ПРОГНОЗЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ**

**14.00.01 - Акушерлик ва гинекология
14.00.25 - Клиник лаборатория ва функционал ташҳис**

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Муминова Нигора Хайритдиновна Акушерликда септик ҳолатларни олиб боришнинг дифференциал такти- каси, эрта ташҳиси ва прогнозлашнинг замонавий мезонлари	3
Муминова Нигора Хайритдиновна Современные критерии ранней диагностики, прогнозирования и диффе- ренцированной тактики ведения септических состояний в акушерстве.....	24
Muminiva Nigora Hayritdinovna The current criteria for early diagnosis, forecasting and differentiated tactics reference septic conditions in obstetrics	46
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	67

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

МУМИНОВА НИГОРА ХАЙРИТДИНОВНА

**АКУШЕРЛИҚДА СЕПТИК ҲОЛАТЛАРНИ ОЛИБ БОРИШНИНГ
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАКТИКАСИ, ЭРТА ТАШҲИСИ ВА
ПРОГНОЗЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ**

**14.00.01 - Акушерлик ва гинекология
14.00.25 - Клиник лаборатория ва функционал ташҳис**

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳаммаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib.23 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот – таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:	Каримова Феруза Джавдатовна тиббиёт фанлари доктори, профессор Арипов Абдумалик Нигматович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Пахомова Жанна Евгеньевна тиббиёт фанлари доктори, профессор Нигматуллаева Мастура Нуруллаевана тиббиёт фанлари доктори, профессор Хайбулина Зарина Руслановна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Украина Миллий тиббиёт фанлар академияси Перинатология, акушерлик ва гинекология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Докторлик (DSc) диссертацияси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (-сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А. Шамансурова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра акушерликдаги септик касалликлар оналар ўлими ва у билан боғлиқ бўлган асоратларнинг асосий сабабчиларидан бири бўлиб, 15% гача оналар ўлимига олиб келади ва оналар ўлими структурасида етакчи 2 ёки 3-ўринни эгаллайди¹. Сепсиснинг энг оғир формаларидан бири-септик шок хомиладорлик даврида 100000 тугрукқа 2,3 та учраши олимлар томонидан қайд этилган. Олим ва мутахассисларнинг асосий ҳаракатлари септик касалликлар профилактикаси ва даволашга қаратилган бўлсада, бу касалликнинг учраш даражаси 17-54,4% гачани ташкил қилиши, бу эса касалликни аниқ ҳисобга олиш ва ишонарли маълумотларнинг йўқлигини кўрсатади. Сўнгги йилларда септик касалликлар, айниқса унинг оғир шакллари - сепсис синдром ва септик шокнинг тез учраши ва бунда ташхис усуллари, уларни тўғри таҳлил қилиш ва олиб бориладиган тактиканинг суствлиги, йирингли-септик ҳолатларни оналар касаллиги ва ўлими структурасида салмоқли ўрин тутиши; кесар кесиш жарроҳлиги сони ортиши ва у билан боғлиқ бўлган инфекцион асоратлар ўсиши; оналар ва чақалоқларида септик касалликларни авж олиши; иқтисодий жиҳатдан - даволанишнинг юқори қиймати ва шифохонада беморнинг узок муддат даволаши муаммонинг долзаблигини белгилайди.

Жаҳон миқёсида, акушерлик ва гинекологик касалликлар, жумладан туғуруқ ёшидаги аёлларда учрайдиган септик асоратлар ичида сепсис-синдром ва септик шок клиник жиҳатдан оғир кечиши ва кўпинча ўлимга олиб келиши ёки турли оғир асоратлар (бачадон ва унинг ортиқлари билан олиб ташлаш, органларнинг сурункали етишмовчилиги) га олиб келиши репродуктив ёшдаги аёллар орасида ногиронлик даражасини ўсиши, беморлар ҳаёт сифатини пасайиши муҳим тиббий ва ижтимоий муаммолардан бирига айланди. Касалликни ташхислаш, даволаш бўйича ва унинг самарадорлигини яхшилайдиган анъанавий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бу борада, репродуктив ёшдаги аёллар орасида септик асоратларни чақирувчи хавф омилларини аниқлаш; хомиладор ва туққан аёллардаги септик ҳолатларни эрта ва аниқ ташхислаш усуллари ишлаб чиқиш; сепсисда ассоцияцияланган микологик ва микробиологик флорани аниқлаш; анъанавий ва эндоскопик даволаш усуллари самарадорлигини қиёсий баҳолаш; сепсис ривожланишида биокимёвий, иммун ва метаболик ўзгаришлар боғлиқлигини аниқлаш; инфекция ўчоғи-микроб кўзғатувчиларнинг пейзажи асосида самарали антибактериал даволаш усуллари ишлаб чиқиш; акушерлик ва гинекологияда йирингли-септик асоратларда оналар ва чақалоқлар орасида ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтириш борасида чора-тадбирларнинг

¹World Health Organization World Health Statistica 2015. –Jeneva World Health Organization, 2006.<http://www.who.int/healthinfo/statistics>

замонавий усулларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолининг турли қатламлари орасида турли касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга, айниқса акушерликда туғруқдан олдин ва кейин соғлом муҳит яратишга, септик ҳолатларни олдини олишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгрок амалга ошириш²» вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, туғиш ёшидаги аёллар орасида экстрагенитал касалликларни аниқлаш, уларни даволаш ва соғлигига эътибор қаратишга асосланган усулларни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги ПК-2650-сон Қарори билан тасдиқланган «2016-2020 йилларда Ўзбекистонда она ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПК-3071-сон Қарори «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган ва тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устивор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Акушерликда септик ҳолатларни олиб боришнинг дифференциал тактикаси, эрта ташхиси ва прогнозлашнинг замонавий мезонларини ишлаб чиқишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни такомиллаштиришдаги илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан Washington Medical Center ва Massachusetts General Hospital (АҚШ), Heidelberg University (Германия), Can-Rafael Hospital ва

² Ўзбекистон Республикаси 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг беш устувор йўналишларда ҳаракатлар стратегияси

³ <https://www.bioportfolio.com>, <http://www.link.springer.com/>; <https://www.researchgate.net/>;
<https://www.ecdc.europa.eu/en/>; <http://www.nczd.ru>

Policlinico Can-Donato Centre (Италия), Westminster Hospital ва Kingsberg Hospital (Буюк Британия), В. И. Кулаков номидаги Акушерлик ва гинекология, перинатология илмий маркази (Россия Федерацияси), Санкт-Петербург Отта номидаги илмий тадқиқот институти (Россия Федерацияси), Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон Республикаси)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда акушерликда учрайдиган сепсис ҳолатларининг эрта ташҳиси, даволаш ва профилактика усуллари ишлаб чиқишга йуналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: абдоминал инфекция ва ўткир яллиғланиш ҳолатларида яллиғланишга ҳос ҳамда яллиғланишга қарши «цитокин тизими» аниқланган (University of Washington, АКШ, В. И. Кулаков номидаги Акушерлик ва гинекология, перинатология илмий маркази, Россия Федерацияси); акушерлик септик ҳолатларида С-реактив оксил ва Д-димерларни биргаликда учраши патологик жараёни эрта даврида аниқлаш ва башорат қилишнинг самарали усули эканлиги исботланган (University of California Los Angeles, АКШ); ўткир яллиғланиш предикторларини аниқлаш асосида турли даражадаги йирингли-септик асоратларни даволаш мезонлари ишлаб чиқилган (University Keyncberg Hospital, Буюк Британия, School of Geydelberg, Германия); оғир сепсисда қон ивиш тизими кескин ўзгаришлари ва ДВС-синдромини даволашда антикоагулянтларни қўллаш исботланган (Helsinki University Central Hospital, Финляндия); септик жараённинг босқичига қараб антибактериал дори воситаларини қўллаш самараси исботланган (Baltimor University Central Hospital, АКШ).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида акушерлик амалиётида ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврда учрайдиган септик асоратларни самарали даволаш усуллариномиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: ҳомиладор ва туққан аёлларда эрта ва аниқ ташҳис усуллари, даволаш ва профилактика йўллариномиллаштириш; лаборатор ташҳис тестлари ёрдамида патологик жараёни башорат қилишнинг самарали йўллариномиллаштириш; акушерлик ва гинекологияда йирингли-септик асоратларда даволаш усуллариномиллаштириш; септик асоратларга олиб келувчи микроб кўзгатувчиларнинг пейзажини аниқлаш ва самарали антибактериал даволаш усуллариномиллаштириш; сепсиснинг оғир формаларида бачадонни олиб ташлашга кўрсатмаларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра акушерлик ва гинекологияда ТЯЖС каби янги тушунчани киритилиши, ҳамда ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврда сепсиснинг оғир формалари - сепсис-синдром ва септик шокда ҳомиладорликни тўхтатиш ёки уни даволашнинг самарали йўллариномиллаштириш таклиф қилиш, ҳамда инфекция ўчоғини, яъни бачадонни олиб ташлашга аниқ кўрсатмалар йўқлиги туфайли амалиётда бир қатор муаммолар мавжуд. Россия Федерацияси, АКШ ва Буюк Британия тадқиқотчи-олимларининг илмий ишлари бунда алоҳида ўрин тутди. Dellinger R.P., Levy M. M.(2013), Florin L.C., Kendra

N.I., Evan L.Ch.(2014) каби тадқиқотчиларнинг келтирган септик ҳолатларнинг учраш кўрсаткичларига қараганда, туғруқдан кейинги эндометрит, ТЯЖС, сепсис ва унинг бошқа шаклларида ташҳис қўйиш ва йирингли-септик асоратларнинг мезонларини аниқлашда ягона ёндошув йўқлигини ва янгича тавсифда иш юритиш кераклигини таъкидлаганлар.

Басиладзе Е. Н.(2005), Condron С., Тоомеу D. ва бошқ. (2005), Гребенкин Б. Е., Черемискин В. П. (2007), Абдужаббарова Ш. А.(2008) томонидан йирингли-септик жараён, акушерлик ва гинекологик анамнези асоратланган ҳомиладор ва туққан аёлларда сепсиснинг ривожланишида кўпинча инфекцияга қарши иммунитетнинг бирламчи тизимининг суст носпецифик резистентлиги, пассив ва умумий иммунитетнинг етишмовчилиги сабабчи эканлиги, лекин бунда қандай тактика қўллаш маъқуллиги муаммо эканлиги қайд этилган.

Туғруқдан кейинги даврдаги йирингли-септик касалликларга бағишланган тадқиқотларда (Абрамченко В.В. ва бошқалар., 2005; Гуртовой Б. Л., Ванько Л. В. ва бошқалар, 2006) ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги септик ҳолатларнинг ташҳисидида ишончли ва тезкор тестлардан прокальцитонин ва С-реактив оксилни комплекс тарзида қўллаш даволаш самарасининг энг асосий шартларидан бири эканлиги, лекин сепсис этиологияси номаълум бўлганда даволаш усулини танлаш ҳамда бошқа йўллари қўллаш йўналишидаги тадқиқотлар муаммолигича қолмоқда.

Holmes С.L.,Walley К.R.,(2001) сепсис-синдром ва септик шокда буйраклардаги қон айланишини текшириб сепсиснинг оғир формаларида вазопрессорларнинг юбориладиган дозаларини ҳисобга олиш зарурлиги ва буйракдаги қон айланишни яхшилаш мақсадида 0,4мл/мин дан ошмаслигини таъкидлаганлар, лекин бу бошқа органлар фаолиятига қандай таъсир этиши аниқланмаган. Kellum J. A., Kong L.I.(2007), Dwyer M.J., Ryan T.H.(2008) ўз тадқиқотларида оғир сепсиснинг қиёсий-таққослаш таҳлилини ўтказиб, касалликни патогенезида яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг ўзаро кураши натижасида «цитокин қуюни» (каскад) ривожланиб, иммунтанқислик юзага келиши ва бу ўзгаришлар патологик ҳолатни якунини башорат қилишда тутган ўрнини баҳолашган. Сепсиснинг оғир формаларига ўтишида микробларнинг миқдори ва эрта даврдан бошланган таъсир доираси кенг, катта дозадаги антибиотиклар ва иммунитетни коррекцияловчи воситаларни қўллаш касалликнинг кўп ҳолларда самарали яқун топишида асосий ролни ўйнашини таъкидлаганлар. Лекин сепсиснинг атипик кечиши, унга турли асоратлар қўшилиши билан патологик жараённи тез ривожланиб оғир формаларига ўтиши, бундай ҳолатларда тактикани тўғри ишлаб чиқиш учун аниқ кўрсатмалар йўқлиги учун бу масалалар долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврда учрайдиган септик ҳолатларда унинг ташҳиси, даволаш, башорат қилиш ва бачадонни олиб ташлашга қўйиладиган кўрсатмалар каби масалалар кўп жиҳатдан ҳал этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади акушерлик амалиётида септик ҳолатлар патогенези, олиб боришни дифференциал тактикаси, эрта ташҳиси ва прогнозининг замонавий мезонларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикада хомиладор ва туққан аёлларда септик ҳолатлар частотаси ҳамда структурасини аниқлаш;

хомиладор ва туққан аёлларда ТЯЖС клиник кўринишини сепсис оғирлиги даражаси ва септик шок жараёни бўйича аниқлаш;

акушерлик сепсисли беморларда иммунитетнинг хужайравий ва гуморал бўғини кўрсаткичлари ўзгаришларини аниқлаш;

сепсисли беморларда прокальцитонинни ташхислаш тести самарадорлигини аниқлаш;

эпидимиологик мониторинг асосида септик ҳолатлар микроб кўзгатувчилари спектрини аниқлаш;

хомиладор ва туққан аёллар инфекцияси жараёни тарқалиш ҳавфида антибактериал даволаш тартибини аниқлаш;

касалликни олиб бориш учун асосланган ташхислаш чора-тадбирлари алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти 18-43 ёшдаги 400та бемор, улардан йирингли-септик касалликлар билан 350 та бемор аёллар ва 50 та соғлом туққан аёллар назорат гуруҳига киритилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида аёллар вена қони ва қон зардоби гемастазиологик ва иммунологик тадқиқотлар учун, жинсий аъзолардан ажратмалар бактериологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумклиник, гемастазиологик, иммунологик, бактериологик ва статистик усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сепсиснинг оғир формалари - сепсис-синдром ва септик шокда хомиладорликни тўхтатиш ва инфекция ўчоғини олиб ташлаш кўрсатмалари ишлаб чиқилган;

сезувчанлиги юқори бўлган прокальцитонинни ташхислаш орқали даволаш ва прогнозлаш самарадорлигини кескин ошириши исботланган;

акушерлик сепсис ҳолатларида аниқланган иммунореактивлик бузилиш даражаси инфекция тарқалишини ташхислаш ва прогнозлашда самарадорлиги исботланган;

прокальцитонин, цитокинлар, С-реактив оқсил биомаркерларни аниқлаш сепсиснинг эрта даври ташхисининг асосий мезонларидан бири эканлиги исботланган;

илк бор акушерлик септик ҳолатларида ассоциацияланган микробиологик флоранинг учраш даражаси сепсиснинг оғирлик даражаси

билан боғлиқлиги аниқланган;
акушерлик септик ҳолатларнинг дифференциал тактикасида прокальцитонин кўрсаткичининг ўзгариши септик ҳолатнинг оғирлашиши билан тўғри пропорционаллиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сепсиснинг оғир формаларида ҳомиладорликни тўхтатиш ва инфекция ўчоғини олиб ташлаш кўрсатмалари ишлаб чиқилган;

йирингли-септик касалликларни даволашда прокальцитонин, С-реактив оксил, цитокинлар ҳолати ва микробиологик флорага асосан касалликни олиб бориш дифференциал тактикаси таклиф қилинган;

септик ҳолатларда инфекцион жараёни тарқалиши бўйича клиник-лаборатор мезонлар ишлаб чиқилган;

акушерлик амалиётига асосланган ташхислаш ва касалликни олиб бориш учун чора-тадбирлар алгоритми ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, акушерликда септик ҳолатларни олиб боришнинг дифференциал тактикаси, эрта ташхиси ва прогнозлашнинг замонавий мезонлари республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб боришга замин яратади. Хомиладор ва туққан аёллар септик касалликларида сезувчанлиги юқори бўлган прокальцитонин ва С-реактив оксил биомаркерларини аниқлаш, микрофлоранинг сифатий ва миқдорий ўзгаришлари ва иммунитет фаолияти кўрсаткичларининг сепсис жараёнига хос ўзгариши касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган сепсиснинг оғир формаларида ҳомиладорликни тўхтатиш ва инфекция ўчоғини олиб ташлаш кўрсатмалари, йирингли-септик касалликларни олиб бориш дифференциал тактикаси, септик ҳолатларда инфекцион жараёни тарқалиши бўйича клиник-лаборатор мезонлар оналар орасида ногиронлик, касаллик ва ўлим ҳолатларини камайиши, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Акушерликда септик ҳолатларни олиб боришнинг дифференциал тактикаси, эрта ташхиси ва прогнозлашнинг замонавий мезонларини бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Сепсис: тушунчаси, ташҳислаш тамоиллари, патогенези ва акушерликда интенсив даволаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 5 мартдаги №67 маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ўз вақтида, аниқ қўйилган ташҳис патологик жараёни оғир формаларига ўтишини олдини олиш, оналар ва чақалоқлар орасида касаллик ва ўлим ҳолатларини камайтириш имконини беради;

«Сийдик йўллари инфекциясини ташҳис қилиш, даволаш ва олдини олиш» номли услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 5 мартдаги №68 маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сийдик йўллари инфекциясини ташҳис қилиш, даволаш ва олдини олиш, даволаш ва профилактика самарасини ошириш имконини беради;

«Туғруқдан кейинги даврда йирингли-септик касалликларнинг ташҳис усуллари» номли услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26 сентябрь 2016 йил №8Н-г/57-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма йирингли-септик касалликларга чалинган аёлларни эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактика самарасини оширишда ҳамда оналар ногиронлиги ва ўлимини кескин камайтириш имконини беради;

акушерликда септик ҳолатларни олиб боришнинг дифференциал тактикаси, эрта ташҳиси ва прогнозлашнинг замонавий мезонларини бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан Республика перинатал маркази ва Фарғона вилояти перинатал маркази амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26 сентябрь 2016 йил №8Н-д/57-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар септик ҳолатлардаги беморларда ташҳислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали уларни стационарда даволаниш кунларини 3-5 кунга камайтиришга ва бир йилда септик ҳолатли барча беморлар сонига нисбатан давлат бюджет маблағларини 160,9 млн. сўм тежашга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 10 та илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан чоп этилган, 12 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 205 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Туғруқдан кейинги септик ҳолатларнинг терминалогияси, эпидемиологияси, кечишининг ўзига хос жиҳатлари, ташҳис ва даволашга замонавий ёндошиш»** деб номланган биринчи бобда батафсил ва объектив равишда сепсиснинг эпидемиологияси, патогенези ва этиологиясининг янгича талқини, ҳамда ташҳиснинг замонавий усуллари ва йирингли-септик касалликларни даволаш усуллари баён қилинган.

Диссертациянинг **«Септик касалларнинг умумий характеристикаси ва уларда ўтказилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобда йирингли-сепсис касалларга умумий характеристика ва ўтказилган тадқиқот усуллари ҳақида маълумот берилган.

Режадаги вазифаларни бажариш учун асосий гуруҳга 200та сепсис билан бемор аёллар, улардан 1-А гуруҳда 100 та хомиладор ва туққан аёлларга биз таклиф қилган текшириш ва даволаш усуллари қўлланилди.

1-Б гуруҳни 100 та сепсисли хомиладор ва туққан аёлларга анъанавий усулда ташҳис усуллари қўлланилган ва даволанган.

Септик касалликларда(СК) хавф омилларининг кўп қирралигини ҳисобга олиниб, ҳамда уларнинг учраши ҳақидаги аниқ маълумотлар йўқлиги учун 2007 йилдан 2011 йилгача Республикада сепсис билан 150 та ўтган беморларни ретроспектив таҳлили қилинди.

Назорат гуруҳига 50 та соғлом хомиладор ва туққан аёллар киритилди.

Септик касалликларда ташҳис қўйишда Bone таснифидан (1996й) фойдаланилди: тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми (ТЯРС), сепсис, огир сепсис(сепсис-синдром) ва септик шок.

Бемор аёлларни клиник-лаборатор ва динамик кузатиш махсус ишлаб чиқилган анкета, унда беморнинг маълумотлари, шикоятлари, анамнез кўрсаткичлари, ҳамда биохимик кўрсаткичлар келтирилган.

Кон зардобдаги цитокинлар (IL-4, IL-6, IL-8, TNF- α) миқдори иммунофермент усули билан аниқланди.

Иммунитетнинг ҳужайравий ва гуморал тизимини қон зардоби кўрсаткичларини ўрганишда иммунология ИТИ (Россия, Москва)да ишлаб чиқилган антилимфоцитар антитаналардан фойдаланилди, зардоб иммуноглобулинлари А,М,Г асосий синфи даражаси G.Manchini et.al.(1967) усулида текширилди.

C-реактив оксил қон зардобида иммунофермент таҳлил усулида, прокальцитонин миқдори эса иммунохроматографик усулда аниқланди.

Тадқиқот натижалари Pentium-IV шахсий компьютерида Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакет ёрдамида, статистика таҳлили ва статистик қайта ишлаш функциялари ёрдамида бажарилди.

Диссертациянинг «**Акушерликда септик ҳолатларнинг клиник хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобда йирингли-септик касалликларга мойиллиги юқори бўлган проспектив, ретроспектив ва назорат гуруҳидаги беморларни солиштириш йўли билан таҳлил қилинган.

Илмий тадқиқотларнинг асосий компонентларидан бири хавф омиллари юқори бўлган аёлларни умумий популяцияда аниқлашдир.

Барча учраган соматик касалликлар(СК)лар ичида анемия иккала гуруҳда ҳам соғлом аёлларга қараганда (40,1%) га, сепсис билан касалланган аёлларда 2 марта кўп учради.

Анамнезни ўрганиш жараёнида проспектив ва ретроспектив гуруҳларда кулоқ-томоқ бурун (КТБ) аъзоларининг яллиғланиши 35,5 ва 39,5% ни, пешоб йўллари инфекцияни (ПЙИ) си 51,3% ва 41%ни, нафас йўллари патологияси 16,5% ва 24,7%ни ташкил этса, бу касалликлар назорат гуруҳида 2,5 мартага кам учраган.

Хулоса шуки, инфекция-аллергик касалликлар, яъни ПЙИ, КТБ, нафас олиш органларининг инфекция-аллергик касалликлар хавф омилларига кириб, СК нинг ривожланишининг асосий сабабчилари бўлиши мумкин.

Эрозия ва эндоцервицитлар учраши учта гуруҳда 28% 41,5% и 6%ни, сальпингоофоритлар 26%, 43% и 4%ни, ўткир ва сурункали эндометритлар 30,7%, 35,5%, 4% ни ташкил қилди.

TORCH-инфекция проспектив гуруҳда 47,3%ни, ретроспективда 81,5%ни, соғлом аёллар гуруҳида 22% ни ташкил этди.

Анамнезида проспектив, ретроспектив ва назорат гуруҳида (1-жадвал) хомиланинг тушиш хавфи билан 87(43,5%), 61(40,7%) ва 6(12%), хомиланинг 12 хафтагача ўз-ўзидан тушиши 47 (23,5%), 36 (24%) ва 2(4%)ни, 22-хафтагача 27 (13,5%) и 16 (10,7%)ни, назорат гуруҳда эса бу каби асоратлар 10 мартага кам учраган (2 и 4%).

Ўсмаган хомила проспектив гуруҳда назорат гуруҳда нисбатан 2 марта кўп учраб, 32(16) ва 13 (8,7%)ни ташкил этди, хомиланинг ўсишдан ортда қолиши 23 (16%) и 12 (8,7%)ни, назорат гуруҳда эса бундай асоратлар умуман учрамаган.

СКли беморларнинг антенатал даврида утказган касалликларини таҳлил натижаси шуни курсатдики, учта гуруҳда хомиланинг тушиш хавфи билан 77 (38,5%), 52 (34,7%) ва 9 (18%)ни, 57 (28,5%) ва 45 (30%) аёллар хомиладорликларининг антенатал даврида сув кўплигига; 19 (9,5%) ва 17 (10,7%) аёллар сув камлигига шикоят қилганлар, назорат гуруҳда бу асоратлар 10 мартага кам учраган.

1-жадвал

**Септик касалликли беморларда акушерлик-гинекологик
анамнезидаги асоратлар**

	Проспектив (n=200)		Ретроспектив(n=150)		Назорат(n=50)		RR
	абс	%	Абс	%	Абс	%	
Хомиланинг тушиш хавфи	87	43,5***	61	40,7***	6	12,0	3,63
Ўсмаган хомила	32	16,0***	13	8,7***	0	0	8,00
12-хафтагача хомиланинг тушиши	47	23,5***	36	24,0***	2	4,0	5,88
- 22 хафтагача	27	13,5***	12	8,0***	0	0	6,75
Хомиланинг антенатал ўлими	27	13,5***	16	10,7***	0	0	6,75
Суви кўплик	45	22,5***	31	20,7***	2	4,0	5,63
Суви камлик	25	12,5***	17	11,3**	1	2,0	6,25
Хомиланинг ўсишдан орқада қолиши	23	11,5***	12	8,0***	0	0	5,75

Изох: * - фарқлар назорат гуруҳи курсаткичларига нисбатан ахамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

Юқорида келтирилган натижалар асосида, юқорида келтирилган хавф омиллари юқори бўлгани учун, мазкур хомиладорликда бачадон ичи инфекцияси туфайли акушерлик асоратлари, асосан СКларни ривожланиш жуда баланд булган.

Хомиланинг тушиб қолиш асорати иккала гуруҳда 12 хафта ва ундан кейин 77 ва 52та аёлда, соғлом аёллар гуруҳида 2 мартагача кам, суви кўплик 57 (28,5%) ва 45 (30%), суви камлик 19 (9,5%) ва 16 (10,7%) ни, назорат гуруҳда 3-4 мартагача кам учраган. Хомиланинг ўсишдан орқада қолиши 31(15,5%) ва 19та(12,7%) аёлда, бунинг асосий сабаби эса БИИ ёки оғир турдаги ЭГКдир.

БИИ си сабабли, проспектив ва ретроспектив гуруҳларда қоғоноқ сувларини эрта кетиши 71 (44,5%) ва 59 (56,4%)ни, муддатдан олдинги туғруқ 32-хафтагача 35 (17,5%) ва 20 (62%) ни, 37 хафтагача 73 (36,5%) ва 9 (13,3%) ни ташкил этди, солиштира гуруҳда 4% ташкил этди (2-жадвал).

Шундай қилиб, инфекция хавфи юқори бўлган СКли аёлларда муддатга етмаган туғруқ, қоғоноқ сувларинг эрта кетиши каби асоратлар кўпайиши ва бунинг натижасида патологик туғруқлар сонини ортиши, кам вазнли чақалоқларни туғилиши, туғруқдан кейинги даврда яллиғланиш билан боғлиқ бўлган асоратларни ортишига олиб келади.

Учала гуруҳда туғилган чақалоқларнинг соғлиғи ҳақидаги маълумотлар юқоридагиларни исботидир

400та чақалоқлардан 379таси тирик туғилди, булардан проспектив гуруҳда - 188, ретроспективда - 141, назорат гуруҳда - 50 та.

Проспектив гуруҳда тирик чақалоқлар - 188та, соғлом – 115 (57,5%), инфекция аломатлари билан 67 (33,5%)та, қолган чақалоқларда инфекцияга алоқаси бўлмаган асоратлар 63 (31,5%) ва 32 (16%)да кузатилди.

**Септик касалли беморларнинг мазкур хомиладорликни антенатал,
туғруқ ва туғруқдан кейинга даврида кечиши**

	Проспектив (n=200)		Ретроспект (n=150)		назорат (n=50)		RR
	Абс	%	Абс	%	Абс	%	
Хомиланинг тушиш хавфи	77	38,5**	52	34,7*	9	18,0	2,14
Енгил токсикоз	36	18,0	3	2,0*	7	14,0	1,29
Оғир токсикоз	19	9,5	32	21,3***	2	4,0	2,38
Суви кўплик	57	28,5**	45	30,0***	3	6,0	4,75
Суви камлик	19	9,5**	16	10,7**	1	2,0	4,75
Хомиланинг ўсишдан орқада қолиши	31	15,5***	19	12,7***	0	0	7,75
Қоғоник сувларининг эрта кетиши	71	35,5***	59	39,3***	4	8,0	4,44
32 ҳафтагача	35	17,5***	20	13,3***	0	0,0	8,75
37 ҳафтагача	36	36,5***	39	24,7***	0	0,0	18,25

Изоҳ: - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ахамиятли (* - $P<0,05$, ** - $P<0,01$, *** - $P<0,001$)

Ретроспектив гуруҳда 141та тирик туғилганлар, улардан соғломи 89 (62,4%)та, инфекция белгилари билан 43 (30,5%) ни, бошқа асоратлар билан 32 (22,7%) ни ташкил қилди.

СК бўлган иккала гуруҳ аёлларида жаррохлик йўли туғруқ 76(38%) ва 49 (32,7%) ни, соғлом аёллар гуруҳида 8% ни ташкил қилди.

Шошилинич кесар кесишга кўрсатмалар: оғир преэклампсия, НЖЙВОК, нафас етишмовчилиги билан асоратланган сепсис бўлиб, буларнинг натижасида жаррохлик амалиёти техник қийинчиликлар билан бажарилиши, 1000мл ва ундан кўп миқдорда қонни йўқотилиши ва операциянинг давомийлиги 100 минутдан кўп вақтни ташкил этди.

Келтирилган барча асоратлар чилла даврини патологик кечишига таъсир этди, чунки шифокорлар йўқотилган қон миқдорини аниқламай, уни тўлақонли тўлдиришмаган.

В. Н. Серовнинг айтишича, оғир преэклампсия, қон кетиш каби критик ҳолатларда туғруқдан кейинги даврда СК ривожланиши 3-5 мартага ошади.

Аёлларнинг табиий йўл орқали туққан ҳолатларда туғруқнинг 1-фазасида латент ёки фаол фазанинг чўзилиб кетиши - 39%ни, туғруқнинг 2-даврида кучанишнинг сустлиги туфайли вакуум экстрактор ва акушерлик қисқичларини қўллаш (46%), 3-даврда бачадон гипотонияси (39%), йўлдош дефекти (41%), булар туфайли бажарилган бачадонни қўл суқиб текшириш жаррохлиги - 34%ни, туғруқ йўлларидаги травмаси - 28%ни ташкил қилди ва

соғлом аёллар гуруҳидаги қайд этилган асоратларга нисбатан 4 марта кўп кузатилган.

СКни клиникасини чуқур таҳлил қилиш учун учта гуруҳни касалликнинг клиникаси, лаборатор ўзгаришлари, қўшилган полиорган етишмовчилигига кўра 3 ва 4та кичик гуруҳларга бўлинди.

Перспектив А гуруҳ 4та кичик гуруҳларга бўлинди: 1-ТЯРС билан 45та бемор, 2 - сепсис билан 39та, 3 - оғир сепсис билан 11та, 4-септик шок билан 5та бемор киритилди.

Перспектив Б гуруҳга: 1-ТЯРС билан - 47та, сепсис билан - 45та, оғир-сепсис билан - 15та, ретроспектив гуруҳда - 1- ТЯРС - 98та; 2- сепсис -45та; оғир сепсис – 3та ва 4- септик шок- 4та.

Ретроспектив гуруҳда биринчи туғувчилар – 57 (38%), перспектив гуруҳда 68 (34%), назорат гуруҳида – 17 (34%) ташкил қилди. Қайта туғувчилар 93 (62%), 132 (66%) и 33 (66%)ни, 4 ва ундан кўп туққанлар биринчи иккита гуруҳда 34 ва 29 аёлда қайд этилган бўлса, назорат гуруҳида учрамаган.

Учала гуруҳда ҳам асосий туғувчиларни 20-30 ёшлилар ва булар 2-3 – туғруқлар ташкил этган. оғир сепсис ва септик шок 19 ёшгача ёки 35 ёшдан кейинги даврда туққан аёлларда кузатилди.

ТЯРСнинг клиникаси барча гуруҳларда тана ҳароратининг $37,5^{\circ}\text{C}$ дан 39°C гача кўтарилиши, тахикардия (90 ва ундан юқори минутига), кўп ҳолларда тахипноэ (нафас олиш тезлиги 20 тадан кўп) умумий қон таҳлилидаги ўзгаришлар, яъни лейкоцитоз ва лейкоформулани чапга оғиши, эритроцитларнинг чўкиш реакцияси (ЭЧР) кўтарилиши ва 25-30% беморларда ЛИИ (лейкоцитларнинг интоксикация индекси) нинг кўрсаткичи 1,5дан 2,0-3,0 гача ошиши билан кечди.

Перспектив А гуруҳдаги аёллар бизнинг кузатувимизда бўлганлари сабабли, ТЯРС ташҳисини Б гуруҳдагига қараганда 24-36 соатга, ретроспектив гуруҳдагиларникига нисбатан 36-48 соат эрта қўйилди.

Сепсис билан перспектив А гуруҳдан - 39та, Б-гуруҳдан 38та, ретроспективдан 45 та аёл кузатилган. Сепсиснинг клиникаси ёркин ва оғир кечиши, бунда ТЯРСнинг барча симптомлари билан бирга бачадонда патологик ўзгаришлар кузатилган.

Сепсиснинг клиникаси учта гуруҳда ҳам ТЯРС клиникаси сингари намоён бўлди, тана ҳарорати 38°C дан $39,5^{\circ}\text{C}$ гача, тахикардия - 1 дақиқа ичида 90дан 110гача, тахипноэ-дақиқасига 20тадан юқори ва бачадондаги патологик ўзгаришлар билан характерланди.

Бачадон сепсиснинг 4-5-суткасида ўлчамлари катта, юмшоқ, пальпация қилинганда кучли оғриқ, қиндаги ажратмалар йирингли, қон аралаш ва бадбуй ҳидли бўлиб, эндометритдан дарак берган.

122та бемордан 66 тасига «сепсис» ташҳиси, булардан перспектив А гуруҳда ҳамма 39 беморга, перспектив Б гуруҳда фақат 27 га, ретроспективда эса - 16та ўз вақтида ва тўғри қўйилган.

Кечиктириб қўйилган ташҳис туфайли касалларда даволаш ишлари кеч бошланган ва сепсисга полиорган етишмовчилик қўшилган, бунинг

натижасида инфекцияни тарқалиб кетиши ва сепсиснинг оғир формаларига ўтиши билан асоратланган.

Оғир сепсис билан учта гуруҳда - 11 та, 15 та ва 7 та бемор ва проспектив А гуруҳида яна 5 та септик шок билан бемор кузатилган.

Барча гуруҳларнинг 3-кичик гуруҳида беморлар оғир сепсис ташҳиси билан қайд этилган ва бунда ТЯРСнинг барча белгилари, бачадондаги патологик ўзгаришлар ва битта ёки ундан ортиқ аъзоларнинг фаолиятини бузилиши кузатилган.

Проспектив А гуруҳда 11 та оғир сепсисли касалдан 6 таси шифохонада, 5таси эса уйдан келганлар, булардан 7тасида туғруқ жарроҳлик йўли билан олиб борилган.

Проспектив Б гуруҳда 15 та оғир сепсисли касалдан 11таси шифохонада, 4таси эса уйдан чилла даврининг 12-17-суткасида келганлар.

Ретроспектив гуруҳда барча 15 та касал шифохонада бўлиб, ташҳис кечиктирилиб қўйилгани, бундан ўзи тукқанлар- 4та ва жарроҳлик йўли билан- 11 та бемор аел қайд қилинган.

Проспектив А гуруҳда 5та беморга септик шок ва полиорган етишмовчилиги, нафас етишмовчилигининг 2-3 даражаси ташҳиси қўйилган.

Оғир сепсис билан 5та касал хам шифохонага оғир аҳволда 22-23 хафтада (1та), 25-26 хафтада (3та, 28-29 хафтада (1та) келиб тушган ва буларнинг хаммасига тўғри ва тезкор ташҳис қўйилиб, даволанган.

Булардан 4та беморга 2-6 соат давомида бачадон экстирпацияси, 1 та ампутация жарроҳлик амалиети қилинган. Ўз вақтида ва тўғри ташҳис қўйиш учун прокальцитонин, иммунограмма, цитокинлар статуси, С-реактив оксил, қоннинг биохимиявий таркиби текширилиб, инфекциянинг тарқалгани тасдиқланди. Септик шокда тез орада жигар ва ўпка етишмовчилиги, мияда қон айланишининг бузилиши, ички органларнинг тромбозини қўшилгани ўлимга олиб келган.

Диссертациянинг «**Биохимиявий ва иммунологик таҳлил натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида септик касалликларда махсус ва кундаликда бажариладиган таҳлил усуллари натижалари билан соғлом туққан аёлларники солиштириб кўриб чиқилган.

Биринчи бўлим «Септик ҳолатлардаги беморларнинг қон таҳлилининг кўрсаткичларидаги ўзгаришлар» га бағишланган бўлим, бу анализлар барча акушерлик комплексларида бажарилиши мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Септик асоратли беморларнинг лаборатор кўрсаткичлари

Лаб курсат	Прос гуруҳ (А)		Прос гуруҳ (Б)		Ретроспек. гуруҳ		Назорат гуруҳ (n=50)
	Даволан-гунча (n=100)	Да-вол.кейин	Даволан-гунча (n=100)	Да-вол.кейин	Даволан-гунча (n=150)	Да-вол.кейин	
Гемоглабин,г/л	2,9±0,04 в	3,2±0,06 ве	2,8±0,05 в	3,1±0,04 ве	3,1±0,03 в	3,5±0,05 ае	3,8±0,11
эритроцит(10 ¹² /л)	84±1,08 в	92,0±1,89 бе	82,0±1,43 в	90±1,04 ве	86±1,5 в	94±1,25 ае	98±0,11

Лейкоцит(10^9 /л)	13,9±0,13 в	7,5±0,15 ве	13,5±0,23 в	7,8±0,11 ве	13,2±0,022 в	7,2±1,0 ве	6,5±0,09
базофил	1,9±0,12 в	1,0±0,07 ве	2,0 ±0,13 в	1,0±0,07 ве	2±0,11 в	1±0,6 ве	3,0±0,06
Соэ, мм/час	23,0±0,52 в	18,0±0,30 бе	25,0±0,58 в	19,1±0,53 ве	22±0,48 в	17±0,25е	16,0±0,59
Тромбоцит(10^9 /л)	188,7±5,4 в	260±13,7	192±10,1	248±13,3 ад	206±4,9 в	310±1,3 ае	280±3,50
Протеинемия, г/л	59,6±3,17	66,0±3,51 ве	56,0±3,09	63,0±3,06	56±1,3 в	60±1,30 аг	65,0±1,76
АСТ,мкмоль/л	1,0±0,02в	0,7±0,04 вЕ	0,9±0,02 в	0,8±0,04 вГ	1,2±0,03 в	0,8±0,02 ае	0,6±0,02
АЛТ,мкмоль/л	1,2±0,02 в	0,8±0,04 ве	1,1±0,02 в	0,9±0,05 ве	1,3±0,03 а	0,9±0,02 ае	0,6±0,03
Креат, ммоль/л	78,0±2,09 б	75,0±3,63	86,1±1,92 в	72,0±3,7 ве	82,0±1,77	79,0±1,8 б	85,5±1,57
Мочевина ммоль/л	7,9±0,42 в	6,5±0,31 ад	8,2±0,41	7,3±0,40 вЕ	7,5±0,17 в	7,2±0,17 в	5,7±0,18
ЛИИ	4,2±0,21 в	1,3±0,07 ве	3,9±0,21 в	1,6±0,08 в	3,70±0,08 в	1,5±0,03 ве	-
Фибриноген (г/л)	4,1±0,22 в	2,5±0,12 бе	3,9±0,20 в	2,8±0,14 вЕ	4,0±0,09 б	2,6±0,06 ве	3,0±0,09
ПТИ	102±5,4	92±5,1	101±3,3	94±4,9	105±2,6 в	95±2,22д	96,0±1,61
С-реактив оксил(мг/л)	10,2±0,43	-					-

Изох: - фарклар назорат гурухи кўрсаткичларига нисбатан ахамиятли (а - $P<0,05$, б - $P<0,01$, в - $P<0,001$), г-фарклар даволангунга қадар кўрсаткичга нисбатан ахамиятли (г- $P<0,05$, д - $P<0,01$, е - $P<0,001$)

Барча СК ли беморларда умумий қон таҳлилида лейкоцитлар миқдорининг ошиши (15,6), лейкоцитар формуланинг чапга оғиши ва таёксимон ядрели нейтрофилларнинг ортиши (12,2), ЭЧТ (СОЭ)нинг ошиши (45 ва ундан юқори), лимфоцитларнинг камайиши ва қонда лейкоцитларнинг ёш формалари (миелоцитлар, метамиелоцитар, плазматик ҳужайралар) пайдо бўлиши билан характерланади.

Проспектив А гуруҳда лейкоцитлар ва лимфоцитлар миқдорининг нормаллашуви 5-7-суткадан бошлаб, Б гуруҳда эса 8-9 кундан, кўпроқ 11-кундан ўз ҳолига қайтди (3-жадвал).

2-бўлим «СКда прокальцитониннинг ўрни» ташҳис маркери прокальцитониннинг ташҳис қўйиш ва инфекциянинг тарқалиш даражасини аниқлашга йуналтирилган изланишларга бағишланган. Прокальцитонин миқдори сепсис – 13 та(52%); оғир сепсис – 11 (44%); септик шок – 1 (4%) билан беморларда текширилди; Булардан 12 та беморда туғруқ табиий йўл билан, 13 та си кесар кесиш орқали яқунланган.

12 та сепсис билан беморлар консерватив усулда ва улардан 5 тасида 48 соат давомида клиникасида ижобий ўзгаришларсиз ва прокальцитонин натижаси 2нг/л дан юқори бўлгани учун, бундан ташқари цитокинлар ва С-реактив оксил миқдори ҳам инфекцияни тарқалганидан далолат берди ва ҳамма беморга ҳаётини саклаб қолиш мақсадида бачадон ампутацияси жарроҳлиги ўтказилди. 25 та бемордан 13 та оғир сепсис билан 24-48 соат давомида консерватив олиб борилган муолажалар тўхтатилди, чунки РСТ

миқдори энг юқори кўрсаткични 10 нг/млни кўрсатди, яъни инфекциянинг тарқалиб кетганлиги учун жарроҳлик усули қўлланилди. Булардан 8 тасига 6-9 сутка давомида даволанаётганларга реллапаратомия қилиниб «инфекция ўчоғи» - бачадон олиб ташланди.

12 та бемор сепсис ва оғир сепсис билан даволансаларда, касалликнинг клиникасида ижобий ўзгариш кеч бўлса ҳам, РСТ кўрсаткичи 2 нг/млгача яъни, инфекциянинг чегараланганлигини билдиргани учун, бу аёлларга консерватив даволар давом эттирилди ва соғайиб кетдилар. С-реактив оксил СК бўлган 49та беморда текширилди ва даволашдан олдин унинг ўртача миқдори $10,2 \pm 0,43$ мг/л бўлиб, булардан, ТЯРС билан - 9та бемор $5,6-7,7$ мг/л, сепсис билан - $8,9-13,5$ мг/л, оғир сепсисда 15 мг/л ва ундан юқори кўрсаткичларни ташкил қилди. ИЛ-4, ИЛ-6 баланд булган ҳолатларда С-реактив оксилнинг ҳам кўтарилиши, септик ҳолатларда барча тест усуллари биргаликда қўллаш, тезкор ва тўғри ташхис қўйишда катта ахамиятга эгаллиги яна бир исботланди. Даволангандан сўнг кўрсаткич ўртача $4,3 \pm 0,3$ мг/лни ташкил қилди. ИЛ-8 ва ТНФ-альфа курсаткичлари ошса ва С-реактив оксил миқдори камайганда, беморнинг клиникасида ижобий томонга ўзгариш, яъни тузалиш кузатилди, бу айниқса ТЯРС ва сепсисини ўз вақтида даволаш натижаси туфайли, кеч ташхис қўйилгани ёки оғир сепсисда бу кўрсаткичлар қарама қарши натижаларни берди.

Таҳлиллар ичида РСТ ва С-реактив оксил ва интерлейкинларнинг миқдорига қараб инфекциянинг тарқалиш даражасини аниқлашда ва аниқ ташхис қўйишда, ҳамда касалликни тузалишини кузатишда ишончли маркер эканлиги тасдиқланди.

СК бор беморларларни иммун тизимини баҳолаш ва уни касалликнинг клиник кечиши билан бирга ўрганиш учун 30 та туғруқдан кейинги бемор аёллар биз таклиф қилган комплекс даволаш ва иммунокорректорларни қўллашдан олдин ва кейин текширилди. Таққослаш учун 17 та физиологик пуэрпериядаги аёлларнинг таҳлиллари олинди. Т-лимфоцитларнинг умумий миқдори (СД3+) ўртача $51,2 \pm 1,6$ фоиз кўрсаткичларда ва $830,7 \pm 53,3$ абсолют кўрсаткичда, бу эса назорат гуруҳиникига нисбатан паст (уларда $53,5 \pm 1,60,57\%$ и $926,5 \pm 62,3$), ва организмнинг курашувчанлиги пасайганидан далолат беради. СД4-Т-хелперларнинг ўртача фоиз ва абсолют миқдорларда $25,4\%$ и $454,8$ ни ва соғлом аёлларники эса $31,4 \pm 0,66\%$ и $636,1 \pm 33,2$ ни кўрсатди. СД8+ -Т-лимфоцитлар назорат гуруҳда $24,3 \pm 0,63\%$ и $488,8 \pm 20,8$, СК аёлларда $3,2 \pm 0,43\%$ ва 220 мклга кам миқдорни кўрсатди (4-жадвал)

4-жадвал

Септик касалликлари билан туққан аёлларда иммун тизим ҳолати

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=17)	Даволашгача кўрсаткичлар(n=30)	P<
Лейкоцитлар	$6375,9 \pm 200,67$	$9368,4 \pm 167,7^{***}$	0,001
Лимфоцитлар, %	$33,1 \pm 1,1$	$19,9 \pm 0,56^{***}$	0,001
Лимфоцитлар, абс	$2268,8 \pm 46,2$	$1102,1 \pm 24,5^{***}$	0,001
CD3, %	$53,5 \pm 0,57$	$45,6 \pm 0,8^{***}$	0,001

CD3, абс	793,5±59,2	727,4±11,8	
CD4, %	32,0±1,1	25,4±0,4***	0,001
CD4, абс	694±28,5	444,7±14,4***	0,001
CD8, %	23,4±0,7	22,2±0,3***	0,001
CD8, абс	510±16,9	371,6±18,9***	0,001
ИРИ	1,4±0,07	1,1±0,03*	0,01
CD16,%	13,4±0,8	22,5±0,3***	0,001
CD20, %	20,5±0,78	19,8±0,3	
CD20, абс	456,3±43,1	320,4,0±17,4***	0,001
CD23%	19,1±,5	23,9±0,2***	0,001
CD95	20,3±1,0	27,8±0,4***	0,001
ЦИК(йирик) у.б.	12,5±1,9	29,2±1,6***	0,001
ЦИК(майда)у.б.	19±3,4	45,8±1,2***	0,001

ИРИ-иммунорегулятор индекс, Т-хужайралар йиғиндиси пасайтирувчи бўлиб, комплекс даволашгача паст ва барча 30 та беморда 0,8 дан 1 гача кўрсаткични берди.

Антибактериал, инфузион, утеротоник ва жарроҳлик комплекс даволашдан кейин CD4+/CD8+ нисбати ошди ва соғлом тукқан аёлларникига яқинлашди.

CD4+/CD8 иммунорегулятор индекс ҳақидаги маълумотлар СК бўлган аёлларда имунитетнинг хужайрали тизимида пасайиш CD4+ ва CD8+ларнинг ўртача миқдorigа боғлиқлиги аниқланди.

Юқоридагилардан хулоса шуки, Т-хелперларнинг пасайиши, аёлнинг организмидаги иммун танқислигидан далолат беради.

В-лимфоцитларнинг нисбий ва абсолют кўрсаткичларининг беморларда ошиб кетиши организмнинг бактериал инфекцияга гуморал жавобини (Th-2тип) акс эттиради.

CD20+ - В-лимфоцитларнинг % миқдори ҳамма нусхаларда ҳам ўхшашлиги бўлмади, аксинча 52% ортиқ касалларда баланд кўрсаткичларни берди (27дан 33мг%гача), 16% беморларда CD20+ - В-лимфоцитларнинг миқдори паст кўрсаткичларни берди, қолган 32% да В-лимфоцитларнинг миқдори соғлом аёлларникидан фарқланмади.

CD23% (23,8±0,5)нинг кўрсаткичи соғлом аёлларникига (19,1±1,1), қараганда юқори, бу эса ўз навбатида организмнинг инфекцияга мойиллик реакциясини кучлилигини англатади. 84% касалларда CD23% юқори кўрсаткичлари, беморлардаги сепсис ёки оғир сепсис клиникаси билан боғлиқдир.

СКларда организмдаги кучли иммунтанқислигидан IgG иммуноглобулинларининг паст кўрсаткичлари ҳамда, гуморал тизимнинг зўриқишидан далолат беради. Бу ўз навбатида комплекс даволашда инобатга олинди.

Кучли яллиғланишдан шиллиқ қаватлардаги IgA иммуноглобулинларининг ортиши ва даволашгача 168,1±5,1ни ва соғлом аёлларники эса 123,1±2,3% ни кўрсатди.

ТЯРСда бу кўрсаткич сепсис ва оғир сепсисдагига нисбатан 145%га кам, бу эса инфекцияни тарқалмаганлигинидан ҳақида далолат беради.

Септик ҳолатларда М иммуноглобулинлар сони ($145,7 \pm 11,4$ гача) назорат гуруҳниқига ($94,1 \pm 4,6$) нисбатан юқори эди.

Йирик ва майда иммункомплекслар (ЦИК) нинг миқдори соғлом аёлларниқига нисбатан юқори кўрсаткичларни кўрсатди.

Хулоса шуки, септик ҳолатларда имунитетнинг хужайравий ва гуморал тизимида яққол ўзгаришлар кузатилади. Бу эса организмда кескин ўзгаришлар юзага келганлиги ва инфекциянинг тарқалиш даврида ёрқин намоён бўлиши аниқланди.

Инфекция ҳавфи даражасини аниқлаш учун яллиғланишга хос цитокинлар ИЛ-6, ИЛ-8, ТНФ- α , яллиғланишга қарши цитокинлардан ИЛ-4 концентрацияси 45 ЙСК билан ва таққослаш учун 27 та соғлом аёлларда текширилди.

Иккала гуруҳда СК ва соғлом аёллар орасида 22 тадан табиий йўл билан, 23 та ва 5 таси кесар кесиш орқали тукқанлар бор эди. Касалликнинг давомийлиги 3 суткадан 19 суткагача ва таҳлил учун қон касалликнинг 3-4 – суткасига олинган.

Цитокинларни текшириш натижалари шуни кўрсатдики, ИЛ-6 нинг концентрацияси $38,6 \pm 3,71$ пг/мл ва бу соғлом аёлларниқига нисбатан 19 марта кўп ($2,7 \pm 0,13$ пг/мл) эди.

45 аёлнинг ҳеч бирида бу цитокин нормал кўрсаткичга эга эмас, балки 8 тасида 50 мартагача ошиб кетган, бу эса ўз навбатида бир қатор муаллифларнинг айтишларича «цитокин бўрони» ҳолатини келтириб чиқарган.

ИЛ-8нинг кўрсаткичи ҳам соғлом аёлларниқига қараганда 6 мартага ошган бўлиб, ўртача $43,4 \pm 7,725$ пг/млни кўрсатди.

ТНФ- α нинг зардобдаги миқдори 2 мартага ошиб, $13,1 \pm 1,47$ пг/млни кўрсатди. Оғир сепсис ва септик шок ташҳиси билан касалларда бу кўрсаткич $37,5$ пг/млгача ошгани аниқланди (5-жадвал).

